
Фурқат туманида "Меҳр дафтари" жамғармаси орқали 21 нафар болаларнинг истаклари амалга оширилди

Туманда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ҳал этиш ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хабарингиз бор, туманимизда ["Меҳрибон қалб"](#) ва ["Мурғак қалблар"](#) номли оилавий болалар уйи фаолиятини бошлаган.

Болаларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, туман ИИБ бошлиғи Тўрабек Эгамбердиев билан биргаликда ["Меҳрибон қалб"](#) ва ["Мурғак қалблар"](#) номли оилавий болалар уйида бўлиб, болалар билан самимий суҳбат қурдилар.

Шу куни "Меҳр дафтари" жамғармасидан оилалардаги 16 нафар болаларга ўз истакларини инобатга олган ҳолда 3 та тикув машинаси, 1 та ноутбук, 1 та скутер, 2 та соябонли ўриндиқлар, 1 та кондиционер, спорт ва ошхона анжомлари, чолғу асбоблари, юмшоқ ўйинчоқлар тўплами, кийим-кечаклар, даволаниш ҳаражатлари учун моддий ёрдам пуллари берилди.

Бундан ташқари тумандаги 5 нафар ҳомийлик ва васийликка олинган вояга етмаган ёшларга 1 та ноутбук, 2 та компьютер жамланмаси ва керакли ускуналар, 2 та оиланинг коммунал тўловлари тўлаб берилди.

2023-03-09 08:45:29